

Ривоят

Този деганингиз алламбало ит-да — овулдан бир тўп отлик чикди дегунча хозиру нозир. Тўс-тўполонда эргашиб олганини сезмай коласиз, энди уни хайдаб, оркасига кайтариб бўпсиз, дўк-пўпсаларингиз бир пул — бари-бир кетмайди, гўё хайиккандай четга чикиб, лўкиллаб кетаверади. Ростдан ҳам тозилар галати махлук — уларга дала-дашт бўлса, шовкин-сурон бўлса, одам гавжум бўлса бас, шундай пайтларни кутгани-кутган; эхтимол шунинг учун ҳам овчи ит дейилса керак...

Эломон итнинг кетидан кувиб Кўлгача чопиб борди. У дафн маросимида сўйиш учун мўлжалланган икки яшар наввосни бойлаб беришда хотин-халаж, кари-картанг билан бирга кетаётган акаси Турманга карашиб юрганида този ити Учар оломонга илашиб, аzza-базза сафарга отланиб қолибди: кувончи ичига сигмай у ёқдан-бу ёққа чопади, хали буни, хали уни хидлаб-хидлаб кўяди, буталар атрофида сакраб-сакраб, гоҳо бир зум тўхтаб, хуриб ҳам кўяди, одамларни сафарга тезлайди. Эломон итининг отини айтиб ҳам, авраб-алдаб ҳам канча чакирмасин, бари бефойда кетди. Одамларнинг овга эмас, балки таъзияга — кеннойиси Олмошнинг кўшни кишлоқда тўсатдан вафот этиб қолган ўн етти ёшли сингисининг жанозасига бораётганларини ақлсиз ит қаёқдан билсин, дейсиз; буни бияларга, хўкизларга миғиб олганлар орасида чопкир отли биронта ҳам ёш йигит йўқлигидан билиб олса ҳам бўларди. Исиккўл атрофларини макон тутган барча эркаклар, жамики энг яхши отлар, курул кўтаришга курби етадиган киргизман деган йигит борки, бариси, ўша куни узокда, тоғларнинг нариги томонида, бу ердан уч кунлик йўл бўлган Толчуй водийсида боскинчи жунгор лашкарлари билан жон олиб жон бериб жанг қилаётганига този итнинг ақли етармиди! Мана, беш кундирки, Толчуй водийсидан ҳеч бир хабар йўқ. Ахмок ит, саранг ит — бутун бир халқнинг тақдири не кечгани номаълум бўлиб турган бир пайтда қандай одам ов хақида ўйлай оларди?

Аслини олганда, одамларнинг гам-ташвишлари ит учун бир пул, уруш, айрилик, ўлим, умуман инсон боласининг гурбатлари билан итнинг нима иши бор; қани эди, унинг олдидан лип этиб қуёнми, тулкими чиқа қолса-ю, тўзгитиб қува кетса, бундай онларда отликлар ҳам тозидан қолишмайди - жонини жаборга топшириб, ўлганига қарамай ўлжа кетидан от солишади...

Този тоқати тоқ бўлганидан ўқтин-ўқтин гингшиб-гингшиб кўяр, гоҳо ҳамманинг олдига ўтиб, қиска-қиска хурур, сакраб-сакраб одамларни гир айланиб "бунчалик имилламасанглар" дегандек, шошилишга ундар, "тезрок юринглар", деган даъвати шундай кўзидан, бутун борлигидан кўриниб турарди. Лекин сира Эломонга тутқич бермасди. Итга кўйиб берса, қани эди, суворийлар Учар кетидан отларини чоптирсалар, узангиларида тик туриб қий-чув солсалар, ёв кетидан қувганларидек шовкин-сурон кўтарсалару бутун борлик ов завқ-шавқи билан яшаса. Този ҳаммани ана шундай ов нашъасини суришга чорларди...

Э-воҳ! Одамлар овга эмас, жанозага кетишаётганди. Чолу кампирлар гам-аламдан бошларини ҳам қилиб, жигарлари Сенгирбойнинг келини Олмошнинг бошига тушган қулфатга шерик бўлиб, қондошлик бурчларини ўташ учун кетишаётган эди. Шу боис қора този ит Учарга ҳеч қим эътибор бермасди. Шум хабар уругдошлар учун энг оғир ва

хатарли бир пайтда етиб келди. Улар бундан, бор-йўги олти ой бурун Сенгирбойнинг хурмати деб эмас, — ахир, у ким бўлибди, — балки Олмошнинг эри, хозир Толчуй водийсида улкан киргин-барот жангда катнашаётган Кўйчиманнинг хурмати, энг мухими, ушок кашшок бўзийлар уругининг фахри, буюк ўтовсоз уста Сенгирбойлар оиласига келин бўлиб тушган Олмошнинг хурмати учун тишларини-тишларига кўйиб чидаётган эдилар бу оворагарчиликларга. Сенгирбой бобо эса, мана, уч кун бўлибдики, туролмасдан ётибди — чолни кўпдан бери юраги безовта киларди, кудалар тарафдан келган совук хабар устани йикитди — Сенгирбойлар келинининг бир кориндан таллашиб тушган синглиси — ўн етти яшар Улкан дунёдан кўз юмибди. Ўтовсоз уста кудаларининг хурмати ва уругдошларнинг удуми, деб бўйига етган киз боланинг дафн маросимида иштирок этиш учун шоша-пиша пўстинини кийди, ўсмир ўгилларидан Турман билан Эломон чолнинг икки кўлтигидан ушлаб ховлида эгарлоглик турган отга томон юришаётган эди, Сенгирбой бобо ўтов бўсагасидан ўтиши биланок юрагини чангаллаб колди, оёгини узангига солишга ҳам улгура олмади. Огрикдан инграб, отнинг ёлига ёпишганича, оёкда базўр туриб йикилгудек чайкалди.

Шунда урф-одатга кўра, бутун ишларни хотини Кертўлга-заифа ўз кўлига олди. Кампир лозим бўлса, хамма ишни жойига кўяди. Кертўлга-заифа чолини ўгиллари ёрдамида уйга олиб кирди, ечинтирди, тезгина ўрнига ётқизди ва ўтовсозга деди:

— Уста, кудаларникига жанозага бора олмасангиз, Худо кўриб турибди, ўзи кечиради. Бу ишни менга топширинг. Сиздан кейин бу уйнинг кайвониси мен энди, вақти келар, бўзуай уругимизнинг уруг онаси ҳам мен бўламан. Мотамда йиглаш учун бўзуйликларга мен бош бўлиб борсам, кудалар хафа бўлишмас. Хозир хафа бўлишнинг мавриди эмас — Толчуй водийсида нималар юз бераётганини ҳеч ким билмайди: ўгилларимиз галаба билан кайтишадими, худо билади. Хозирча ҳеч хабар йўк — хамма юрагини ховучлаб турибди. Сиз худодан тани соглик сўранг, жанг килаётганларга омад тиланг! Ўзингизни эхтиётланг, сиз бўзуйликларнинг бошчисисиз, менинг учун эса, уч боламнинг отаси, энг улуг одамсиз. Мана шу мусибатли хизматни адо этишни менга ишонинг. Ўрнингиздан турманг, ётинг. Эломон сизга караб туради, биз хаммамиз йўлга отланамиз.

Шундай гап сўз бўлиб ўтди. Бу гаплардан кейин ран-гида ранг колмаган, юзини тер босган ўтовсоз уста Сенгир-бой бошини ёстикдан кўтармасдан эшитилар-эшитилмас деди:

— Сен хаксан, кампир. Мен боролмагач, сен боришинг керак. Сен бўзуйликларнинг барини эргаштириб бор. Келинимиз Олмош кариндош-уруглари орасида ёлгизланиб колмасин. Узокдан йиги беринглар, хамма эшитсин, барча бўзуйликларнинг йиглаганини халк билсин, овозларингни баланд кўтариб гиря килинглари, кудаларимиз куёвлари Кўйчиман билан ўлим тўшагида ётган катта куда — менинг йўклигимни сезишмасин. Билиб кўйинглар: хаммамиз инсон эканмиз, уруш канча дахшатли бўлмасин, ўлганларни хурмат-иззат билан дафн этишни унутмаслигимиз керак...

Шу равишда, ушок бўзуй уругидан бўлган болали аёллар, чол-кампирлар йўлга чиқишди, уларнинг бутун калби жунгор ўйротлари билан бўлаётган жанг нима билан тугаркан, деб безовта эди. Хамма ўша томонда, Толчуй водийсида нималар содир бўлаётгани хақида ўйларди: нега, ҳеч хабар йўк? Нега, ҳеч ким ҳеч нарсани билмайди? Уругнинг, халкнинг ор-номусини саклаб қолиш учун йигитлар киргин-баротга юз тутиб кетишган. Улар кўнгиллари гаш, зўр хавотирда жўнаб кетишган.

Учарни тутиб, бўйнига камарини солиш Эломон учун осон бўлмади — тозининг одамларга кўшилиб кетиб қолиши ҳеч гап эмас эди-да! Шунда ҳам Учар бўйнидаги богичи

билан олга интилар, бўшаб кетишга уринарди. Лекин итни кўйиб юбориш мумкин эмас — ёт жойларда тозини овул итлари галаси гажиб ташлаган бўларди. Албатта, шундай бўларди.

Эломон Учарни бўйнидан ушлаб турар экан, нима дейишини билмай туриб колди. Жанозага кетаётганларга "Яхши бориб келинлар" дейишмайди-ку! Онаси оти устида жиловни тортиб турар экан, ўглига: нега серрайиб туриб колдинг? Тезрок уйга борсанг-чи! — деди ковогини солиб. - Отанга кара, эшитяпсанми? Олдидан бир кадам хам кетма, укдингми?

Эломон "тушундим" дегандек бош иргади. Онаси айтганларининг хаммасини килади. Эломон онасига, унинг бугдойранг, ажинлар билан копланган гамгин каримсик юзига бокар экан, кампирнинг hozиргидай ташвиш тортганини ҳеч эслай олмайди. Эломон онасига караб деди: "Кўргиликларимиз бор экан, энди сиз кетаверинг. Биз учун гам еманг. Мен энди ёш бола эмасман-ку! хамма тайинлаганларингизни киламан. Отамдан бир кадам нари жилмайман. Факат Кўйчиман акам от устида узангисига оёк тираб омон келса бас. Жасадини эгарга ўнгариб келишмаса бўлгани. Илоҳим, барча йигитлар от устида ўзлари тик туриб келишсин, эгарга бўктарги килиб кўндаланг ётқизиб келгилик этмасин! Отам билан мен ҳақимда ташвиш тортманг, сизнинг буюрганларингизнинг хаммасини киламан".

Кертўлга-заифа тизгинни тортиб турар экан, кора този ити билан ёлғизоёк йўлда колган кенжатоийга кўз кирини солар экан, тўсатдан юрагида огрик пайдо бўлди, хаёлидан шундай ўйлар кечди: бу хали бола-ку, отаси нима бўларкан, акаси Кўйчиман саломатмикан ёки ўйротларнинг найзасидан ер тишлаб колдимикан? Чолимнинг, ўгилларимнинг холи не кечаркан, барча-барчасининг, эл-юртнинг бошига қандай кунлар тушаркан? Ана шу дахшатли ўй-хаёлларини билдириб кўймаслик учун гўлдиради: — Ўғлим, овулга чоп, сени ва отангни Тангрига топширдим. Сал юргач, яна тўхтади -боришинг билан отанга халиги ўтдан дамлама килиб ичир...

— Хўп бўлади, дарров дамлама килиб бераман, — деб онасига ваъда берди.

Кампирнинг бу гапларга кўнгли тўлмади шекилли, дорини тайёрлаш йўлларини тушунтира

кетди:

— Ўтнинг устига вакирлаб турган кайнок сув куйиб дамлаб кўясан, сал совигандан кейин отанга берасан, терлагунча ичсин, шундан кейин кўкраги бўшаб енгил тортиб қолади.

— Менинг гапларимни укдингми, тушундингми? — деб кайта-кайта сўради ўглидан Кертўлга-заифа.

Айтганларининг хаммасига ўглининг тушуниб олганига ишонч ҳосил қилгач, бойвучча бошқалар кетидан отига кам-чи босиб кўл бўйлаб кетди. Лекин сал ўтмасдан у ёк-бу ёкка аланг-жаланг қарар экан, яна тўхтади-да отдан тушди:

— Эломон, бу ёкка кел, болам, - деб ўглини чақирди. - Отни ушлаб тур, мен Кўлга сизиниб олай. Кетдик.

Кампир шундай деди-да кўлга юзини бурди ва шошилмасдан кўлга караб салобат билан тантановор кадам ташлади. Каттик шамоллар турганда тўлқин-тўлқин бўлиб уюлиб колган топ-тоза кизгиш майда кум устидан юрди. Бошига сурпдан саллага ўхшатиб томогигача каттик ўраб олган оппок қордай катта элачакдан бойвуччанинг факат юзи кўринарди; элачакда кампир бироз яшаргандек туюлса-да, чаккасидан ок сочлари кўришиб турарди. Бойвучча қариса хам жисмонан хали бақувват, хатто хушбичим эди.

Олмошни келин килиб туширгунгача бутун тирикчиликни ўзи килар эди-да — тўртта эркак: уч ўгил билан эрига карашнинг ўзи бўлмайди, уй ишларида эса, эркакларнинг фойдасидан зарари кўпрок.

Кўл ёкасидаги кум устида охиста оёк босар экан, Кертўлга-заифа дунё ва оила ташвишларини бир зум унутгандек, фикрини жамлаб, кўлга караб юрди-да, кандайдир хаяжон ва рухий кўтаринкилик билан ўйноки мовий сув юзига, узок-узокларда бўзариб турган корли чўккиларга, тоғ тепаларидаги хира булутларга назар ташлади. Буларнинг хаммаси одам учун макон килиб яратилган зохирий бир кенг дунё, илох каби кудратли, унинг ердаги тимсоли каби хаётбахш дунё эдики, бани башар ана шу дунё измида бўлиб келган.

Кертўлга-заифа кўпириб келиб-кўпириб кайтиб турадиган киргок тўлкини етар-етмас жойда майда шагаллар устида тўхтади. Эломон ҳам бир кўли билан отни етаклаб, иккинчисидан тозисини ушлаб шу ерга келди. Она чўкка тушиб ўтирди, ўгли ҳам чўккалади; шундан кейин кампир секин ва охиста пичирлаб Кўлга ёлвора бошлади: — Эй, Иссиккўл, сен Ернинг кўзисан, сен хар доим осмонга бокиб турасан. Мен сенга илтижо киламан, сен — мангу, музламайдиган Иссиккўлсан, мен Кўкка, хокими тақдир бўлмиш

Тангрига муножот киламан, Тангри сенинг каърингга назар ташлаганда менинг ўтинчларимни билиб олажак.

Эй Тангри, хатарли ва дахшатли дамларда ўйротларга карши курашда бизга куч-кудрат бер. Тоғларингда сенинг неъматларингдан татиб, яйлов-ўтлоқларингда чорва молларини бокиб кун кўрадиган олти аймокли киргиз халкимизни ўзинг асра. Бизнинг ўчоқларимизнинг ўйрот отлари туёқлари остида топталишига йўл кўйма. Одил бўл — аёвсиз очик жангда бизга галабангни дариг тутма. Хув, анави тоғлар ортида, Толчуй водийсида нималар бўлаётганини билмаймиз. На бир хабар бор, на бир чопар бор жанг майдонидан — кутавериб кўзларимиз тешилди, юракларимиз адои тамом бўлди. Нималар бўляпти? Бизларни эртага нималар кутяпти? Тангрим, душман билан аёвсиз жанг килиш учун кетган йигитларнинг жонларини омон сакла. Бизларга уларни эгар устида кўришни насиб эт, жасадлари отларига ортиб келгулик кила кўрма, илойим. Менинг ибодатимни эшит, мен уч ўгилнинг онасиман...

Эломон ҳам чўкка тушиб, бир кўли билан тозиси Учарнинг бўйнидаги камардан, иккинчи кўли билан эса ёлдор жийрон биянинг тизгинидан тутиб турарди. У кўл юзасининг нафас олгандек бир пасайиб, бир кўтарилиб турган корамтир сагрисига ахамият берди. Кўл хозир сокин эди, сув юзаси майда тўлқинлар ёлкинида жонланиб ётарди. Узок чўзилган кишининг адогида, баҳор бошларида Иссиккўл сохили овлоқ колгандек, ўт-ўлансиз эди — тўкайлар шип-шийдам, курук хас-чўплар файзсиз; на бир ўтов бор, на бир отлик, на кўч-кўрон, на далада мол подалари...

Бирок Иссиккўл бўйида кишлаб колган ўтар кушлар баҳор хидидан янги ўлкаларга йўл олиш пайти якинлашиб колганини сезиб, кўл устида тўп-тўп бўлиб уча бошлайдилар, улкан галаларга уюшган кушлар эса тоғ этаклари бўйлаб парвоз килиб, тез учиш машини оладилар. Каёкка караманг, кушларнинг шодон кичкириклари ва овозлари ёғдули баҳор хавосида узок-узокларга таралади.

Мана, якингинада бир кизилоёкли, кулранг гозлар галаси шиддат билан учиб ўтгани кўзга чалинди. Гозлар бебош шовкин кўтариб, овозларининг борича гакиллаб шундай паст учиб ўтдиларки, канот патларининг шовуллагани ҳам эшитилиб турди. Эломон кўл устида учиб юрган бир неча гала ўтар кушларни кўрди. Булар гозларми, ўрдакларми,

оккушларми ёки узунёк очпушти кизилгозларми — бола фарклай олмасди. Чунки бу кушлар жуда узокда ва баландда тўп-тўп бўлиб учиб ўтарди. Факат уларнинг чугур-чугури баъзан аник эшитилса, баъзида элас-элас кулокка чалинарни. "Демак, бу кушлар эртами-индин учиб кетади", деб ўйлаб колди бола.

Онаси эса, дилдаги бутун дардини айтиб, жон-жахди ва эхтирос билан Кўк Тангрига тавалло киларди. У эри — буюк ўтовсоз Сенгирбойга рахм-шафкат этишини сўради, ахир устанинг дарди тобора кучайиб бораётир, хатто бугун отга хам мина олмади.

— Тангрим, отамиз, кўли гул устанинг жонини омон сакла, - деди у. - Бизнинг диёримизда ўтовсоз Сенгирбойнинг кўли билан ясалмаган биронта ўтовни топиш амри махол. Унинг ўз умрида канча ўтов ясаганини хеч ким билмайди! Ахир, хеч ким бошпанасиз яшай олмайди - ёш хам, кари хам, бой хам, камбагал хам, кўйчивон хам, бия согувчи хам!

У яна Тангридан неваралар сўради, яна канчадан-канча илтижолар килди... Ахир, одамнинг орзу-хаваси, дарду алами кам дейсизми бу дунёда...

Кордан чойшаб ёпинган қояли тоғлар орасида осмонга кўз қадаган буюк кўк кўл суви тиним билмас, жонли махлуқдай тўлганар, ўз-ўзидан пайдо бўлиб, яна йўколадиган улкан эринчок тўлкинларни бағрида эркалар эди. Оби омбор кечаси бўрон кўтариш учун уммон янглиг керишиб куч йигаётгандек эди. Хозирча эса, шаффоф кўл устида, унинг баҳор куёшини эмган зилол сувлари тепасида дунё бўйлаб янги узок ва хатарли сафарга отланадиган пайт якинлашаётганини сезган ўтар кушлар хамон юксакликда чаппор урар, хамон жўровоз бўлиб, жар солиб осмонни бошига кўтарарди.

Она бўлса хамон астойдил, бутун борлиги билан муножот киларди:

— Тангрим, эшит, ўзимнинг ок она сутим хурмати-ла, ёлвориб ўтинам! Сенга, буюк хокими такдирга — Кўк Тангрига илтижо килиш учун биз бу ерга, сенинг Ердаги кўзингга — мукаддас Исиккўлингга келдик. Мана мен, менинг ёнимда ўглим Эломон — менинг кенжатайим, энди мен на яхши, на ёмон фарзанд туга оламан, факат сендан сўраганим шуки, менинг эркатайимга отаси Сенгирбойнинг усталигини бер, ўзининг усталикка эби хам бор... Кенжатайим акаси Кўйчиманга ўхшаб — "Манас" айтмокчи. Бу илтижомни хам ижобат кил, энг аввало ва энг мухими, унга азалий Сўзнинг кудратини ато эт — ўша Сўз илдиз отгандек жон ва тан билан чирмашиб кетсин, у Сўзни — аждодлардан авлодларга ўтадиган, ўз болалари ва неваралари учун коладиган Сўзни асраб-авайласин, аждодлар киргиз номини олган даврдан етиб келган Сўзни ўзида жо кила оладиган куч-кудрат бер унга...

Мен уч ўгилнинг онасиман, Тангрим, менинг илтижоларимни қабул килгайсан. Одам билан доимо ёнма-ён яшайдиган тилсиз махлуқлар — ўглимнинг ўнг тарафида турган ва манаман деган йирткични кувиб етадиган бизнинг този итимиз Учар хам, ўглимнинг чап тарафида турган, бирон марта кисир колмаган жийрон бия хам бизлар билан бирга ўтиниб сўрайди Сендан...

Эломонга шундай туюлдики, онаси гарчи пичирлаб, эшитилар-эшитилмас охангда муножот килган бўлса хам, унинг сўзлари хаммани сеҳрлаб кўйган жўшқин хитоб сингари бутун кўл бўйлаб янграб, хамма ёкка ёйилиб таралиб кетди; гўё унинг сўзлари кўл атрофидаги тоғларда "Тангрим, менга кулок сол, менинг сўзларимни эшит..." деган ташвишли ва аник акс-садо берди.

Онаси отга миниб, кўлнинг жиягида кичкина тўп бўлиб узоклашиб кетган шериклари ортидан шоша-пиша жўнаб кетгандан кейин хам Эломон севикли тозиси Учарни ушлаганича анча вақтгача жойида туриб колди. Бола хали ўша кунни, Кўлда онаси

Тангрига илтижо килган ўша дакикаларни умрида бир-икки мартагина эмас, балки кўп марталаб эсга олажагини, хурсандчилик онларида ҳам, бошига иш тушган пайтларда ҳам йиглаб эслаяжагини, онаси Эломоннинг буюк манасчи бўлишини Тангридан сўрагани учун, шунинг шарофати бўлса керак, халк уни "Момакалдирокдек гулдираган манасчи Эломон" деб атагани учун тақдирдан рози бўлажагини хали билмасди. У ўзининг ёшлик даври ўйротларнинг боскинчилик йилларига тўгри келишини, киргизларнинг "Манас"ни Эломон ижросида овлок дараларга яшириниб олиб, йиглаб эшитажакларини хаёлига ҳам келтирмасди. Эломон "Манас" айтишга киришишдан аввал онасининг Кўл бўйидаги дуосини албатта эслаяжагини, манасчи ўгли Эломонни яширгани учун онасини ўйротлар ўлдиражакларини, дostonнинг юракдан чиккан бошламаси Эломон учун ҳам таскин, ҳам халк рухи буюклиги, ҳам халкнинг умрбокийлиги куйланган Сўзнинг гўзаллиги ва теранлиги ифодаси бўлажаги хакида ўйлаб ҳам кўрмаганди. У "Манас"нинг Эломон огзидан чиккан куйидаги сўзларини одамларнинг бутун вужуди кулокка айланиб, нафас олишдан ҳам ўзларини тийиб эшитажакларини билмасди:

"Киргизлар, киргизимиз, хаммамиздан буюгимиз Манас хакида сўз очай.

Ўша кунлардан то шу кунларгача канча кунлар кумдай окиб кетди, бир-бирларини кувиб сон-саноксиз тунлар ўтди кайтиб келмасдан, йиллар ва асрлар карвони изсиз поёнсизликда йўколди... Бу дунёда ўша кунлардан буён канча жонлар келиб-кетди, дунёда канча тошлар бўлса шунча одамлар, балки ундан ҳам кўп одам келиб, кетгандир. Улар орасида буюк кишилар, кўплар танимайдиган кишилар ҳам бор эди. Яхши одамлар ҳам, ёмон одамлар ҳам ўтди. Тогкомат полвонлар ҳам, йўлбарскелбат баходирлар ҳам бор эди, аллома донишмандлар ҳам, кўли гул усталар ҳам ўтди, канча халклар келиб-кетди, уларнинг факат номлари колди.

Кечаги бор нарса — бугун йўк. Бу дунёга хамма келади ва хамма кетади. Бу дунёда факат юлдузлар мангу туради, мангу ойга караб олам кезади, факат мангу куёш абадий Шаркдан чиқади, факат Ергина ўзининг абадий ўрнида туради. Ерда факат одамларнинг хотираси хаммадан узок яшайди, одамнинг умр йўли эса киска — кош билан ковок орасича. Одамдан одамга ўтадиган фикргина бокийдир; авлодлардан авлодларга коладиган сўзгина абадийдир...

Ўша кунлардан буён ўтган вақтда Ер ўз киёфасини кўп марта ўзгартирди. Тоглар йўк текисликларда ўркач-ўркач тоглар юксалди. Олдинги тоглар ўрнида курук даштлар пайдо бўлди. Жарлар емирилиб сайхонликларга айланди; дарё-сойлар окиб ётган ўзанлар текисланиб кетди. Айна вақтда, ер устида ёмгир-кор сувлари чукурликлар — жарликлару даралар хосил килди. Дунё яратилгандан бери чайкалиб турган мовий денгизлар ўз ўрнини кумли чўлларга бўшатиб берди... Шахарлар кад кўтарди, шахарлар вайрон бўлди ва чолдеворлар ўрнида янги деворлар тикланди...

Ўша кунлардан бу кунларгача сўз сўз тугди, фикр фикрга кўшилди, кўшик кўшикка уланиб кетди, эртақ чўпчакка айланди. Саноксиз душманларга карши курашган киргиз кабилаларининг халоскорлари бўлиб колган Манас билан унинг ўгли Семетей хакидаги дoston бизга ана шундай етиб келди...

Бу дostonда биз ота-боболаримизнинг овозини эшитамиз, айна вақтда, неча асрлар олдин учиб ўтган кушнинг юксак парвози, тулпор туёкларининг аллакачон сўнган дукур-дукурлари, душманлар билан яккама-якка олишган ботирларнинг хайкириклари кулогимизга келади. Йиги овозларию галаба суронлари кулокка чалинади. Ана шу сўзимизда ўтмиш хаёт тирикларнинг кўз олдида, тирикларга хамду сано айтиш, тирикларни шарафлаш учун яна намоён бўлди...

Алкисса, биз буюклардан буюк Манас хакидаги ва унинг жасур ўгли Семетей тўгрисидаги достонимизни бошлаймиз — тирикларга хамду сано айтиш учун, тирикларни шарафлаш учун... "

Бу болакай ўзининг Худонинг мархамати ила киргизларнинг жунгорларга карши хаёт-мамот курашининг жарчиси бўлиб колажагини хали билмасди, у ўз боши учун душман мингта тулпор ваъда килажагини, хоинлар ушлаб бергач, козокларнинг жазирама чўлида бутун танаси чавакланиб, кўзлари ўйилиб, кийнокларда ўлажагини хали хаёлига хам келтиролмасди. Ахири, конига беланиб, ташналикдан жон бераётган сўнгги онларда яна мана шу кунни, шу соатни, шу Кўлни — онаси илтижо килган Кўлни; узок ўлкаларга учиб кетиш учун тўпланган ана шу кушларни яна эсга олажагини ва буларнинг хаммасини ўнгидагидек кўз олдига келтиргач, "Онажон "деган хитоб билан жон беражагини хали билмасди.

Буларнинг хамма-хаммаси — шон-шухрат хам, кураш хам, халокат хам олдинда эди... хозир эса, у Исиккўл ёкасида, онаси сажда килган жойда тозиси Учарни ўз кўлидан чикиб, одамлар ортидан чопиб кетмаслиги учун бўйнидан каттик ушлаб турар эди. У бирдан касал отаси эсига тушиб, шошилиб колди.

— Кетдик, Учар, кетдик, — деди у итига буйрук бергандек ва тоғ ёнбагридаги овулга караб шоша-пиша юра кетди. Кўлдан узоклашганда хам куш галаларининг бетиним чагир-чугур, гок-гок овозлари кулокка чалиниб турди...

* * *

Ўша кечаси тонг сахарда кенжатой Эломоннинг кўзи олдида буюк ўтовсоз Сенгирбой фоний дунёдан кўз юмди. Отасининг охириги дакикаларида хириллаб, нафаси тикилиб гализ айтган сўзларини деярли тушуниб бўлмасди. Лекин бола титраб-какшаб ва йиглаб отасининг юзига эгилиб турар экан, ўчоқдаги оловнинг ним ёругида чол лабларининг харакатидан отасининг нима демокчи бўлганини пайкади. бола икки сўзни тушунди:

— Толчуйда... нима..

Тушунди-ю, лабини тишлаб йиглаб юборди, сўнгра каттик хўнгради ва ўзини йигидан тия олмасдан деди:

— Йўк, ота, хеч кандай хабар йўк! Мен сизга кандай ёлгон гапирай! хеч дарак йўк. Мен бир ўзимман. Эшитяпсизми? Мен кўркяпман. Ўлманг, отажон, сиз ўлманг. Тезда онам келади, тезда онам келади...

Ўглининг сўзларига ота тушундими-йўкми, Худо билади. Шу захоти унинг жони чикиб кетди, кўзлари очик колди. Отаси жон таслим килиш билан, яшин тезлигида келган ўлим чолнинг юзини кўркинчли тусга киритиб, бутунлай ўзгартириб юборгани захоти бола кўркканидан ўтовдан отилиб чикди ва нима киларини билмай, вахимага тушиб, дод солиб хўнграб боши оккан томонга чопа кетди. Учар хам нима бўлганини тушунмаса-да, думини кисиб, кўрка-писа Эломон ортидан чопаверди. Эломон Исиккўлнинг тўлкинлари мавжланиб ётган киргогига етганидагина ўзига келди. Шу ерда у серрайиб, туриб колди. Исиккўл ўша кеча жунбушга келиб, шиддатли чайкалиб, тўлкинларни ўйнатмокда эди. Бирок Эломоннинг кулогига бошка товушлар — тўхтовсиз кий-чув эшитилди. У Осмонга каради ва нимкоронги осмонда сон-саноксиз кушлар булутини кўрди. Беадад, тумонат кушлар. Кушлар Кўл устида катта доира хосил килиб, айланиб учмокда, йўлда учрайдиган тоғлар тепасидан ошиб ўтиш учун юксакликка кўтарилаётган эди. Нихоят,

кушлар Кўл устидан охирги марта айланиб учиб ўтди ва турнакатор тизилишиб, янада баландга кўтарила бориб Бўйм дараси томон йўл олди ва довондан ошиб Толчуй водийси йўналишида кўздан гойиб бўлди. Бола кушлар йирок ўлкаларга узок муддатга учиб кетганини, уларнинг Толчуй водийсидан ўтишини, ундан наридаги номаълум ва нотаниш юртларга боражагини тушунди ва ўзини кўлга олиб, жони борича кичкирди:
— Бизнинг отамиз ўлди! Кўйчиман акамга айтинглар — отамиз вафот этди! Отамиз ўлди, ўлди!..

* * *

Биз тоғлар устидан учдик. Довонга етганимизда каттик шамол туриб, коп-кора булутларни каршимизга хайдаб келди. Олдин ёмгир томчилади, кейин хўл кор ёғди, шалаббо бўлган канотларимиз яхлади, учиб кийинлашди. Бизнинг галамиз оркага кайтди. Биз хаммамиз бакириб-чакириб яна кўл устида айланиб уча бошладик, канотларимиз сергиди, айланиб учганимиз сари юксакликка кўтарила бордик, сўнг яна йўлга тушдик. Лекин бу гал шу қадар баланд кўтарилиб учдикки, тоғлару булутлар жуда пастда қолиб кетди, куёш нурлари бизни қувиб етганда довондан ошиб ўтган эдик, остимизда узокда Толчўй водийси кенг ёйилиб ётарди. Эх, рохатбахш Толчуй, буюк чўлларга тутшиб кетган гўзал водий! Бутун водий бошдан-оёқ куёш нурларига чўмилиб ётарди, ерни яшил майсалар гилами коплаган, дарахтларнинг новдалари эса, бўртиб, куртак боғлаганди.

Водийнинг ўртасида иланг-билан бўлиб қумушранг Чуй дарёси оқиб ётибди, йўлимиз худди шу дарё ўзанидан ўтиши керак. Биз соғинганимиздан осмондан туриб водий билан ўз тилимизда кийкириб саломлашдик, сўнг дарё бўйлаб аста-секин пасая бошладик ва ерга яқинлашиб бордик. Чунки сал нарида дарё бўйида сувли камишзор бор, куш қарвонларининг кўлдан бошланган доимий буюк йўлида биз биринчи марта ана шу ерга кўниб ўтишимиз керак. Бу ерда биз дам олишимиз, озикланиб бўлгач, яна сафарга отланишимиз лозим. Бирок бу гал одатдаги жойга кўниб ўтиш насиб этмади.

Галаларимиз канотлари ва думлари ёрдамида парвози секинлашиб, бирин-кетин жонажон кўним жойимизга яқинлашганимизда киргинбарот жанг устидан чиқиб қолдик. Бу дахшатли бир манзара эди. Сон-саноксиз одамлар, минг-минглаб отлик ва пиёдалар шу ерда, бизнинг кўним жойимизда жон бериб-жон олишмоқда эди. Дахшатли хайкириклар, вахшиёна овозлар, бўкириш-ўкиришлар, наъралар, чинкиришлар, инграшлар, отларнинг кишнашлари, пишкиришлари осмону фалакни коплаганди. Кенг майдонда одамлар бир-бирларини жаханнамга жўнатишмоқдайди. Кишилар бир қарасанг, наъра тортиб бир-бирларининг устига найза ўкталиб ёпирилишар, тўкнашиб қолганда бир-бирларини ерга йикитишар, тириклайин устига от қўяр; бир қарасанг, бир-бирларидан қочиб узоклашар; бир қарасанг, бировлар қочиб кетаётган бўлса, бошқалари қувиб кетарди. Кимлардир камиш орасида пичок ва қилич билан жанг қилиб, бир-бирини бўғизлар, қоринларини ёрарди. Қаёкка қараманг, одамларнинг жасадларини отларнинг ўликлари тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётар, сув кенг ёйилиб оққан жойда сон-саноксиз мурдалар дарё сувини тўсиб қўйганди, кип-қизил қон аралаш сув хамма ёкка ёйилиб, отларнинг туёқлари остида қон халқобларини қосил этганди.

Бизнинг галаларимиз юраклари оркага тортиб, саросимага тушиб, гангиб қолди, осмонда қий-қув бошланди, сафларимиз бузилиб кетди ва хаммамиз вахимага тушиб бетартиб булутлар қаби бир жойда айланиб уча бошладик. Анча вақтгача ўзимизга қелолмадик, бир-бирларини ўлдирган бахтсиз одамлар устида бирпас учиб юрдик, талай вақтгача

галаларимизни тўплаш билан овора бўлдик, аллавактгача тинчий олмадик. Охир-окибат, биз ўша ерга кўниб ўта олмадик, ўша машъум жойдан кетишга ва сафарни давом эттиришга мажбур бўлдик...

* * *

Кечиринглар, ўтар кушлар! Бўлиб ўтган вахшийлик учун кечиринглар, бўлажак вахшийликлар учун кечиринглар. Бани одам хаёти нима учун шундай эканини, нега она заминда шунча ўлдирилганлар ва ўлдирилаётганлар борлигини мен тушинтириб бера олмайман, сизлар тушуна олмайсизлар... Кечиринглар, Худо хаки, кечиринглар, мусаффо кенгликларга сафар киладиган самовий кушлар... Жанг тугагандан кейин у ерда кузгунлар базми бошланди, ўлимтихўр кушлар жигилдони ёрилгунча одам гўштига тўйишди, учиш у ёкда турсин, канотини хам кимирлата олмай қолишди. Жангдан кейин шакаллар базми бошланди — чиябўриларнинг одам гўштига қорни шу қадар тўйган эдики, гавдаларини зўрга судраб кетишди. Кушлар, кетинг бу ердан, бу мудхиш жойдан узок-узокларга учиб кетинг.

* * *

Ибтидоий табиат мавжудлигидан буён шундай: хар сафар вақти етганда — эрта хам эмас, кеч хам эмас — хар йили бир хил вақтда кушлар узок сафарга отланади. Улар албатта учиб кетади, учганда хам фақат ана шу учар кушларгагина маълум ўзгармас хаво йўллари бўйлаб учиб, дунёнинг у чеккасидан бу чеккасига боради. Момақалдириклару бўронлардан ўтиб, кечаю кундуз канот қокиб уцади, хатто уцаётиб ухлаб кетади. Уларнинг тириклик мохияти шунда: табиат дунёсида нарсаларнинг ўзгармас тартиби мавжуд. Куш қарвонлари шимолга, азим дарёлар бўйларига, азалдан уя ясаб бола очадиган жойларга учиб боради. Кузда эса, вояга етган болалари билан жанубга учиб келади, шу зайлда бу жараён узлуксиз такрорланаверади... Мана, биз қанча қунлардан бери учиб кетяпмиз. Ана шу осмону фалақда, ана шу совук хукмрон юксакликда шамол мангу дарё қаби шовкин солиб оқиб ётади. Бу дарё чексиз Қоинотда нозохирий Вақтнинг номаълум томонга тиним билмай қилаётган харакатидир. Бизнинг бўйинларимиз қамон ўқи, танамиз юрак бўлиб қарчоқ нима эканини билмасдан шиддат билан харакатда. Хали сафар узок, толмасдан қанот қокаверамиз, қанот қокаверамиз... Биз борган сари баланд кўтарилиб қарвоз қилмоқдамиз... Энди тоғлар текисликдек бўлиб қолди, кейин эса, умуман қўринмай қетди, қурраи қамин бўлса узоклашгандан узоклашиб, ер юзаси чаплашиб қетгандай бўлди — қаерда Осиё, қаерда Оврўпа, қаерда океанлару қаерда қуруклик эканини фарқлаб бўлмай қолди. Гир-атрофимизда бўшлиқ хукмрон, чексиз Қоинотда фақат бизнинг Ер сайёрамизгина чўлда адашган бўталок қаби олам қезмоқда, секин сузиб онасини қидириб юрибди. Хўш, ўша она туя қани? Ернинг онаси, онаизори қани? Савол — жавобсиз! Фақат шамол, қилват юксакликларнинг шамоли гувиллайди, фақат Ер қурраси ёш боланинг бошидек яққа-ёлғиз сузиб, чайқалиб қўймоқда — еримиз беқарор, еримиз беқарор. Нахотки, ана шу ер шунчалиқ Яхшиликлар масқани, шунчалиқ Ёвузликлар мақони бўлса?! Йўқ, ёвузликка эрк бермаслик қерак, ўтинаман, қадхудолар, сўзамоллар, иждоқорлар! Мен ана шу қарвоз қилаётган қалада бор-йўғи бир қушман. Мен турналарга қўшилиб учиб кетяпман ва ўзим хам турнаман. Мен турналар билан бирга қоронгу қечада юлдузларга қараб, қундузи экинзорлар ва шақарлар устидан учаман. Ўйларга толаман...

Кушлар галаси узокда кўзда гойиб бўлади. Канотлари кўринмай кетади. Мана, гала осмонда бир кичкина нуктага ўхшаб колди ва у хам гойиб бўлди...
хадемай, яна бахор келди ва яна осмони азимда турналар "кур-кур"и янграй бошлади...

Турна йигиси

Бўзлаб-бўзлаб учаман,
Бўзлаб-бўзлаб учаман,
Бўзлаб-бўзлаб учаман,
Зорланаман инсонларга.
Заминни эҳтиёт килинг инсонлар,
Эрк берманг вахшиёна эхтиросларга.
Нима бу - хатто турна ййигласа,
Йўк, ййўк, ййигламанг асло.
Ва лекин, бари бир,
Ноинсоний кулфатлардан.
Чексиз ёнгинлардан,
Конли жанглардан.
Панохида асрасин, илохим,
Хайй, инсонлар!
Вайрона килиб кўймангиз уни ногахон,
Нима бу - пинхона тўкилган ёшлар.
Кераги ййўк, ййигламанг асло,
Ва лекин, бари бир — бари бир.
Ўзи панохида асрасин Сизни,
Ноинсоний кулфатлардан,
Панохида асрасин, хайй, инсонлар!